

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 37;377;377.1;377.6

Байбаева Мухайё Худайбергеновна

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**

13.00.08 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2012

Иш Тошкент ирригация ва мелиорация институтида бажарилган.

Илмий раҳбар	педагогика фанлари доктори, профессор Исмаилова Зухра Карабаевна
Расмий оппонентлар:	педагогика фанлари доктори, профессор Ходжабаев Анарбой Рустамович педагогика фанлари номзоди, доцент Қуйсинов Одил Алламуратович
Етакчи ташкилот	Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти

Ҳимоя Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.01 рафамли Ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил «___» _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100070, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: 254-92-02, факс: 215-54-18, факс: 215-54-18, e-mail: tgpu_info@edu.uz.

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «___» _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
педагогика фанлари номзоди, доцент**

Р.Г.Муллахметов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Давлатимиз таълим сиёсатининг асосий масаласи теран фикрловчи, кенг дунёқарашли малакали кадрлар тайёрлашдир. Малакали кичик мутахассисларни тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири - бу таълим сифати ва самарадорлигини ошириш. Таълим самарадорлигини таъминлашда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари, ўйин технологиялари, муаммоли ўқитиш, хусусан, мустақил ишнинг ноанъавий методлари муҳим ўрин тутди. Бу эса, касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг таълим олиши, мустақил ишларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш усуллари тақомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Ҳозирги шароитда таълим олувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш жуда долзарб педагогик муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки ўқув фанларини ўрганиш учун ажратилган жами соатлар сониди аудитория машғулоти улуши камайтирилиб, мустақил ишлар улушини орттириш зарурлиги тақозо этилмоқда. Касб-хунар коллежларида ўқитувчи раҳбарлиги ва назорати остида ўқувчиларда умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича назарий ва амалий ишларни мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, уларда эркин фикрлаш ва ижодкорликни, ахборот коммуникация технологиялар билан мустақил ишлаш қобилиятларини юксалтириш мақсадида Ўрта махсус, касб-хунар таълими Марказининг 2005 йил 17 августидаги 192-сонли буйруғига 6-илова билан “Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқувчининг мустақил ишларини ташкил этиш тўғрисида” ги Муваққат Низоми қабул қилинди. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 400-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Давлат таълим стандартлари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, ўқув режада белгиланган мустақил иш учун ажратилган юкламаларни бажариш чоратадбирларини ишлаб чиқиш таълим муассасаларининг умумтаълим, умумкасбий ва махсус фан ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Педагогик технологиялар ўқувчиларни ўқув-тарбия жараёнининг чинакам субъектига айлантириб, уни мустақил ишлашга ўргатади. Бўлажак кичик мутахассислар касбий кўникма ва малакаларининг шаклланиши ва ривожланиши касб-хунар коллежларида умумкасбий фанларнинг қандай ўқитилишига, ўқувчиларнинг мустақил ишларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга боғлиқ. Демак, касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг умумкасбий фанлардан ташкил этиладиган мустақил ишларини ташкил этиш усуллари ва йўллари тадқиқ қилиш муҳим илмий-педагогик муаммодир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак кичик мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш, мустақил фикрлай оладиган фаол шахсни шакллантириш муҳим педагогик муаммоларидан ҳисобланади. Бироқ бу муаммони қомусий олимларимизнинг педагогик қарашлари, таълимотини ўрганмасдан туриб тўла ҳал этиб бўлмайди. Муҳаммад Абу Наср Форобий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳусайн Воиз Кошифий, Аҳмад Югнакийларнинг илмий қарашлари ва таълим-тарбияга оид асарларида умумпедагогик ва дидактик ғоялар, шу билан бирга мустақил фикрлаш, мустақил таълим олиш масалалари акс эттирилган. Хусусан, Хоразмий асарларида умумдидактик тамойиллар, методлар ва шакллар, мустақиллик, мустақил ёндашиш, мустақилликка ундаш, ижодий фаоллик, ижодий фикрлаш, кузатилган ҳодисаларни тасвирлаш ҳамда уни мунтазам баён этиш, тажриба кузатув, ўқитишнинг савол-жавоб шакли ҳақида қимматли фикрлари илгари сурилган. Форобийнинг “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Ақл маънолари тўғрисида” асарларида таълим-тарбиянинг вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган, мустақил ва ижодий фикрлайдиган, етук инсонни тарбиялашдан иборат эканлиги таъкидланади.

В.Граф, В.А.Лядус, В.В.Сафин, В.М.Монахов, В.К.Буряк, В.И.Беспалько, Г.Н.Князова, В.К.Буряк каби хориж олимлари оид илмий-тадқиқот ишларида замонавий ўқитиш технологиялари, мустақил таълим муаммолари ҳақида ўз қарашларини билдиришган.

Ўзбекистонлик педагог олимлар таълимни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқувчиларни мустақил ўқишга ўргатиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган. Айниқса, Н.Н.Азизходжаева, Н.А.Сайидахмедов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ж.О.Толипова, Х.Ф.Рашидов, О.Б.Бердиева, А.В.Садикова, Д.Ф.Жалолова, Б.Х.Ходжаев, С.Қулмаматов, О.А. Қуйсинов каби тадқиқотчилар ўз илмий ишларида педагогик технологияларни қўллаш муаммолари, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг турли жиҳатларига тўхталишган. Уларнинг тадқиқотларида умумтаълим мактаб ўқувчилари ва шу билан бирга олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни тайёрлашга эътибор қаратилган. Юқоридаги олимлар ўз ишларида касб-ҳунар коллежларида умумкасбий фанлар бўйича мустақил ишни ташкил этиш, уларга қўйилган махсус талаблар устида тўхталмаган ҳамда мустақил ишни педагогик технологиялар асосида ташкил этишга аҳамият беришмаган. Бу эса, бугунги кунда касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг мустақил ишларини замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш етарли даражада йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги илмий изланишлар, педагогик кузатишлар шуни кўрсатадики, фан ва техника, технологияларнинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда ўқувчиларни касб-ҳунарга, изланувчанликка, ижодкорликка ўргатиш, уларда билим, малака ва

кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш қобилиятини юксалтириш, нутқ маданиятини ўстириш, касб-хунар сирларини пухта эгаллаш, ахборот коммуникацион технологиялар хизматидан мақсадли фойдаланиш, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмаганлиги, мустақил иш учун махсус назарда тутилган методик қўлланмалар ва тавсияларнинг етарли эмаслиги, ўқув материалларининг табақалаштирилмаганлиги, мустақил ишларни баҳолаш тизимининг йўқлиги, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишнинг зарурлиги ва бошқа муаммолар бизга тадқиқотимиз мавзусини “Педагогик технологиялар асосида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг умумкасбий фанлардан мустақил ишларини ташкил этиш” деб белгилашимизга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент ирригация ва мелиорация институтида амалга оширилган “Ёш авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида муносиб тарбиялаш, таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида юқори малакали, шунингдек бошқарув кадрларни тайёрлаш муаммоларини тадқиқ этиш” (ДИТД-3) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг умумкасбий фанлардан мустақил ишларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

- педагогик технологиялар асосида умумкасбий фанлардан ташкил этиладиган мустақил ишнинг мазмуни, шакли ва усулларини аниқлаш;
- касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг умумкасбий фанлардан мустақил ишини ташкил этишнинг ўқувчи шахсига йўналтирилган моделини ишлаб чиқиш;
- касб-хунар коллежларида педагогик технологиялар асосида ташкил этилган мустақил ишларни баҳолашда рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи рейтинг тизимини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш истиқболларини аниқлаш;
- касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг умумкасбий фанлардан мустақил ишини ташкил этиш амалиётини ташхислаш, баҳолаш ва мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш мониторингини ўтказишга оид вазифаларни аниқлаш;
- умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг умумкасбий фанлар бўйича мустақил ишларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш жараёни.

Тадқиқот предмети: касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг умумкасбий фанлар бўйича мустақил ишларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва амалга оширишнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқот методлари: тадқиқот муаммосига оид илмий-назарий, педагогик-психологик, методик адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш, имитацион моделлаштириш; кузатиш; қиёслаш; умумлаштириш; суҳбат, сўровнома, тест саволлари ва ўзлаштиришни назорат қилишнинг рейтинг тизими, педагогик тажриба натижаларини математик-статистик қайта ишлаш.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Умумкасбий фанлардан ўқувчиларнинг мустақил билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш сифати ва самарадорлиги ортади, агарда:

- касб-хунар коллежларида умумкасбий фанлар бўйича педагогик технологиялар асосида ташкил этиладиган мустақил ишнинг мазмуни, шакли ва усуллари аниқланса;

- умумкасбий фанлар бўйича мустақил ишнинг ўқувчи шахсига йўналтирилган модели ишлаб чиқилса ва мустақил ишлар ана шу модел асосида ташкил этилса;

- касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг умумкасбий фанлардан мустақил ишини ташкил этиш ва баҳолашда рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи рейтинг тизими жорий этилса;

- касб-хунар коллежларида ўқувчиларининг умумкасбий фанлардан мустақил ишини ташкил этиш амалиётини ташхислаш, баҳолаш ва мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш мониторингини ўтказишга оид вазифалар аниқланса;

- умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган методик тавсиялар ишлаб чиқилса.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Умумкасбий фанлардан педагогик технологиялар асосида ташкил этиладиган мустақил иш мазмуни, шакли ва усуллари.

2. Мустақил ишнинг ўқувчи шахсига йўналтирилган модели.

3. Ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш ва баҳолашда рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи рейтинг тизими.

4. Мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш мониторингини ўтказишга оид вазифалар ва уларнинг таҳлили.

5. Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини шакллантириш ва такомиллаштиришга оид ишлаб чиқилган методик тавсиялар.

Илмий янгилиги:

- касб-хунар коллежларида умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида мустақил ишларни ташкил қилишнинг педагогик технологияларга асосланган шакллари, турлари ва воситалари аниқланди;

- касб-хунар коллежларида умумкасбий фанлар бўйича мустақил

ишнинг ўқувчи шахсига йўналтирилган модели ишлаб чиқилди ва мустақил ишлар ана шу модел асосида ташкил этилди;

- касб-ҳунар коллежларида умумкасбий фанлардан ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш ва баҳолашда рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи рейтинг тизими жорий этилди;

- касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш амалиётини ташхислаш, баҳолаш ва мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш мониторингини ўтказишга оид вазифалар аниқланди;

- умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид услубий қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, таълим муассасаларида амалиётга тадбиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида мустақил ишларни ташкил этишнинг педагогик технологияларга асосланган шакллари, турлари ва воситалари аниқланган, умумкасбий фанлар бўйича ўқувчи шахсига йўналтирилган мустақил иш модели ишлаб чиқилган, умумкасбий фанлардан мустақил ишини ташкил этиш ва уни баҳолашда рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи рейтинг тизимининг жорий этиш усули бўйича илмий-педагогик жиҳатдан асослаб берилган, мустақил ишларни ташкил этиш амалиётини ташхислаш, баҳолаш ва мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш мониторингини ўтказишга оид вазифалар аниқланган, умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича махсус ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижаларидан касб-ҳунар коллежларида умумкасбий фанлардан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва уларнинг натижаларини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи, Қибрай молия иқтисодиёт коллежи, Мирзо Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежи, Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи ва Қибрай қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқув-тарбия жараёнида амалиётга жорий этилди. Олинган натижалар тадқиқот ишининг тегишли ўринларида аниқ рақамлар асосида кўрсатиб ўтилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Илмий-тадқиқот ишининг асосий мазмуни ва натижалари:

- Тошкент давлат техника университети “Касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг замонавий технологияларини қўллашнинг илмий-услубий асослари” аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий конференциясида (Тошкент, 2007 йил);

- Тошкент темир йўл муҳандислари институти “Касб-ҳунар коллежларида ўқув-амалий ўйинлардан фойдаланиш” илмий конференция материаллари (Тошкент, 2009 йил);

- Тошкент ирригация ва мелиорация институти “Ўрта махсус, касб-

хунар таълим жараёнида ўқувчилар мустақил ишини режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш муаммолари” республика илмий-амалий анжуманида (Тошкент, 2010 йил),

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Мустақил ишларни ташкил этиш ва баҳолашда рейтинг тизимини тадбиқ қилишнинг педагогик тавсифи” республика илмий-амалий анжуманида (Тошкент, 2012 йил) маъруза қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича жами 21 та илмий-услубий ишлар нашр этилган бўлиб, илмий-методик журналларда 10 та мақола, 4 та услубий қўлланма, конференция материаллари тўпламида 7 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 4 та расм, 6 та жадвал ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, методлари, янгилиги, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши каби масалалар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Касб-хунар коллежларида ўқувчилар мустақил ишини ташкил этишнинг илмий-педагогик асослари”** деб номланган бўлиб, унда касб-хунар коллежлари ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил ишини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш муаммолари, ўқув жараёнида мустақил ишни ташкил этиш омиллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари мустақил ишларининг психологик-педагогик асослари ёритилган.

“Мустақил иш” тушунчанинг моҳиятини аниқлаш борасидаги турли ёндашувлар таҳлил қилинар экан, ушбу категорияни, яъни ўқишнинг ташкилий шакли (ўқувчилар ўқув фаолиятининг ўқитувчи иштирокида бошқарилишини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар тизими сифатида) ҳамда ўқувчиларнинг ўқув ва илмий ахборотни бошқа шахснинг ёрдамисиз ўзлаштириш, ўзлаштирилган ўқув материални таҳлил қилиб, уни турли ўқув ҳамда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга, ўзининг ижодий қобилиятини намоён этишга йўналтириш борасидаги фаолияти яхлитлигига таяниб кўриб чиқилган. Диссертацияда мустақил ёндашув, мустақил фикрлаш, мустақил ўрганиш, мустақил таълим, мустақил ижодкорлик, мустақил иш каби тушунчалар қисқа ва аниқ таърифланган. Мустақил ёндашув – бу шахснинг берилган топшириққа мустақил равишда ёндашуви;

мустақил фикрлаш – бу фаҳмлаш, англаш, фикр юритиш; мустақил ўрганиш – бу интилиш, изланиш, ўз устида меҳнат қилиш; мустақил таълим – бу раҳбар иштирокисиз бевосита вазифаларни ўзлаштириш; мустақил ижодкорлик – фаоллик, талабчанлик, ташаббускорлик; мустақил иш – билим олиш шаклларида бири бўлиб, бунда ўқувчилар ўз олдиларига у ёки бу вазифаларни, мақсадларни онгли равишда қўйиб, фаолиятини режалаштиради ва уни амалга оширади ҳамда ўз-ўзини баҳолайди.

Мустақил ишнинг кўплаб таснифларини таҳлил қилиш орқали, қуйидаги турларига батафсил изоҳлар берилган: билим манбалари ва ўқитувчи назорати турига кўра мустақил иш; ўқув жараёнининг таркибий қисмларига кўра мустақил иш; мустақиллик даражаси ва акмеологик ёндашувга кўра мустақил иш; билиш фаолиятининг хусусиятига (репродуктив ёки ижодий) кўра мустақил иш.

Ўқувчи шахсига йўналтирилган мустақил ишни ташкил этишнинг турли жиҳатларини кўриб чиқишда ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатлари масалаларига тўхталиб ўтилган. Ўқув жараёни субъектларининг ҳамжиҳатлиги ва мустақил ишга масъулият билан ёндашуви таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги асослаб берилган.

Мустақил иш тизимида ўқувчилар билан ўқитувчи ҳамжиҳатлигининг белгилари қуйидагилардан иборат:

- ўқитувчи билан ўқувчилар нуқтаи назаридан зиддият йўқ, балки улар ҳамжиҳатлик ва ижодий ҳамкорликда ишлашади;

- ўқувчилар фаоллигини тақлид қилиш, тақрорлаш ҳамда мустақил ишни тегишлича ташкил этиш билангина чекланиб қолинмайди, балки тақлиф этилган вазифалар бўйича ижодий мушоҳадалар юритилади;

- ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда ўқитувчи рағбатлантириш, эмоционал бошқариш, йўналтириш ва уюштириш усуллари кўллайди;

- ўқитувчи ва ўқувчилар шахсга йўналтирилган мустақил ишни ташкил этишга руҳий ва амалий жиҳатдан тайёр.

Ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим тамойилига таяниш замонавий таълим тизимида энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўқув жараёни ана шундай тарзда ташкил этилганда ўқувчининг мустақил ишини самарали амалга ошириш учун шарт-шароит яратилади ва бу жараёнда ўқитувчи ҳам бевосита иштирок этади. Мустақил ишни ташкил этишда шахсга йўналтирилган ёндашув ўқувчини шахсий аҳамиятга молик шундай даражага кўтарадики, бу ҳол, ўз навбатида, мустақил ишнинг ҳар қандай турида фаоллик ва ижодкорликнинг кучайишига имкон яратади. Натижада мустақил иш тизими ташкилий жиҳатдан мураккаб яхлитлик, яъни «қисмларининг ўзаро таъсири уларнинг ўзидан кўра муҳимроқ» бўлган яхлитлик сифатида намоён бўлади.

Ўқувчилар мустақил ишини ташкил этишда уларнинг билим ва малакалари мониторингини ташкил этишга қўйиладиган асосий талаб назорат учун берилган вазифалар мазмунига ўқув мақсадларига, ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжларига мутаносиб бўлиши лозим. Холислик талаби тўғри жавобни нотўғрисида ажрата олишни тақозо этадики, бунга жавобни турлича талқин қилиш имкониятини истисно этувчи аниқ ва тўғри тузилган савол орқали эришиш мумкин. Назоратнинг тўғри бўлиши талаби ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқувчининг билими сифатини таҳлил қилишга индивидуал ёндашиш зарурлиги талаби бошқа ўқувчилардан тайёр жавобнинг ўзлаштирилишига, шунингдек мустақил иш вазифаларини назоратдан четда жамоа бўлиб бажарилишига йўл қўймаслик имконини беради. Бунга вазифаларнинг хилма-хиллиги ҳамда шахсга йўналтирилганлик тамойили орқали эришиладики, мазкур вазифаларнинг мураккаблик даражалари уларнинг савиясига қараб мувофиқлаштирилади.


Касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар мустақил иши тизимини аниқ тасаввур этиш учун биз мазкур ўқув фаолият турини ташкил этишнинг моделини ишлаб чиқдик, унда бу тизимнинг асосий таркибий қисмлари кўрсатиб берилган.

Педагогикада модел – тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган ёки танланган тизим бўлиб, у билиш мақсадида ўрганилаётган объект хусусиятларини (таркибий қисмлари, элементлари, хоссалари, муносабатлари, кўламлари ва ҳоказо) акс эттиради. Унинг тадқиқ этилиши мазкур объект ҳақида билим олишнинг бевосита усули бўлиб хизмат қилади ва, ҳеч шубҳасиз, ўрганилаётган объект тўғрисидаги маълумотга айланадиган ҳамда тажриба сифатида текшириш мумкин бўладиган ахборотларни беради.

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш моделини (умумкасбий фанлар мисолида) ишлаб чиқишда биз кузатиш, таққослаш, таҳлил, синтез, мавҳумлаштириш каби билиш усулларини қўлладик. Мазкур усулларнинг ҳар бири маълум бир функцияларни бажаради, яъни кузатиш усулларида фойдаланиш ўрганилаётган объект ҳақида бевосита ва билвосита ахборот жамлашдан иборат; таққослаш усулларида фойдаланишда тақдим этилган модел орқали умумий негизга эга (касб-ҳунар коллежи битирувчисининг модели, ўқув жараёни модели, ўқув фаолияти тизимининг модели ва бошқалар) билимларга мурожаат қилиш ва уларни ишлаб чиқилаётган моделга кўчириш; таҳлил усулларида фойдаланиш моделнинг асосий категорияларини изчиллик билан ечиб бериш, унда ажратиб кўрсатилган қисмнинг батафсил таркибини аниқлашдан иборат; мавҳумлаштириш усулларида фойдаланиш асосий қисмни (муҳим бўлмаганларини соддалаштирган ҳолда) ажратиб кўрсатиш, бошқа манбалардаги шундай қисмлар билан тенглаштириш, ўқув жараёнини ўзаро боғланган таркибий қисмлар тизими сифатида тақдим этиш имконини берди; синтез усулларида фойдаланиш моделнинг зиддиятсиз ўзаро муносабатда

бўлган тарқоқ қисмларини уйғунлашган ягона тизимга бирлаштириш имконини берди.

Ҳозирги замон касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ўқув фаолияти субъектлари, яъни ҳамкорлар сифатида фаолият юритадилар. Биз мана шулардан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежларида мустақил ишнинг ўқувчи шахсига йўналтирилган бешта таркибий қисмга (асословчи, дастурий – мақсадли, операцион, амалий ижрочилик ва назорат қисмларини) ажратдик. Замонавий касб-ҳунар коллежларида мустақил ишни ташкил этишнинг ўқувчи шахсига йўналтирилган моделининг умумий тизими расмда акс эттирилган.



1-расм. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчи шахсига йўналтирилган мустақил иш модели

Касб-хунар коллежларида ўқувчи шахсига йўналтирилган мустақил иш моделини қўллаш авваломбор қўйидагиларни таъминлашга имкон яратади: ўқувчиларда фаол мустақил билим олиш учун асос яратиш; ўқувчиларнинг турли ўқув фаолияти ва ақлий меҳнатларини ташкил этиш; ўқувчи шахсига йўналтирилган мустақил иш мақсадларини белгилаш; бажариладиган мустақил иш ҳажмини аниқлаш; мустақил иш турлари ва бажариш муддатларини кўрсатиш; мустақил иш жараёнида ўқувчи шахсининг ривожланиши учун шарт-шароит яратиш; педагогик жараённинг иккала субъекти ҳамкорлигини таъминлаш; ўқувчиларда турли мустақил ўқув фаолияти бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш; мустақил ишни сифатли ва ўз вақтида бажариш; мустақил иш натижаларини кузатиш ва унга тузатишлар киритиш; ўқув натижаларини мониторинг қилиш тизими ёрдамида ўқувчи ақлий ривожланишининг индивидуал траекториясини лойиҳалаштириш. Мазкур модел барқарор, ўзгармас эмас, уни ижтимоий-педагогик воқелик ҳамда касб-хунар коллежидаги ўқув жараёни шароитидан келиб чиққан ҳолда мослаштириш, ривожлантириш ва ўзгартириш мумкин.

Диссертациянинг **“Касб-хунар коллежларида педагогик технологиялари асосида ташкил этилган мустақил ишларни баҳолашда рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи рейтинг тизимини жорий этиш ва улардан фойдаланиш истиқболлари”** деб номланган иккинчи бобида, ўқувчиларнинг мустақил ишини амалга ошириш ва назорат қилиш, касб-хунар коллежларида мустақил ишларни баҳолашда рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи рейтинг тизими ва унинг хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Рейтинг тизими ўқувчиларни ва ўқитувчиларни фаол ижодий ишга ундовчи, ўқитишнинг янги ташкилий шакллари, услублари ва воситаларини жорий этишни назарда тутди. Шунинг учун уни ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини баҳолаш усули сифатида кўриб чиқиш мумкин, аммо рейтинг тизимини амалий қўллаш тажрибаси кўрсатадики, энг аввало, у ўқитиш жараёнини ташкил этишда унинг самарадорлигига фаол таъсир кўрсатувчи тизим ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқлари даражасини кузатишнинг бундай тизимининг киритилиши ўз-ўзидан ўқитиш сифатини яхшиламайди, балки унинг самарадорлигини ошириш учун жиддий асос яратади, чунки ҳар бир таълим олувчининг фақат сессия давридагина эмас, балки бутун ўқитиш жараёнида ҳам мунтазам мустақил ишлашини талаб этади. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи сифатидаги рейтинг (йиғинди) баҳонинг шаклланишини таъминлайди. Баҳолашнинг рейтинг тизими ўқув материални ўзлаштириш даражасини баҳолаш; таълим олувчиларнинг мустақил ишини ўқув курси мобайнида доимий равишда рағбатлантириш; ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини баҳолашда ҳолисона ёндашиш; синов ва назорат (имтиҳон) пайтида асабийлашишни камайтириш; ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликда ижодий ишлаш имкониятларини оширади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимида ўқувчилар мустақил ишларини

баҳолашнинг рейтинг тизимида мониторинг олиб боришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг мустақил иши мониторинги тизимининг тартибга солинган блок схемаси ишлаб чиқилди. У замонавий дидактларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда қурилган бўлиб, ўқувчиларнинг мустақил ишларини назорат қилиш вазифаси, шунингдек, уларнинг ўқишдаги ютуқларини назорат қилиш шакллари ва усулларини қамраб олади. Ўқувчиларнинг мустақил ишда эришган ютуқларини ўлчашда мустақил иш мониторинги зарур. Унинг ёрдамида ўқувчилар билимининг бошланғич даражасини аниқланди ва кейинчалик ўқиш жараёнида уларнинг шахсий ривожланганлиги (индивидуал ривожланиш траекторияси) ҳақида маълумот олинди, яъни мунтазам равишда натижага эришиш таъминланди. У ўқитувчи ҳамда ўқувчининг таълим жараёнидаги ҳамкорлигини яхшилаш имконини яратади. Ўқувчилар мустақил ишини ташкил этишда уларнинг билим ва малакалари мониторингига ва вазифаларига қўйиладиган асосий талаб ўқув мақсадларига ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжларига мутаносиб бўлиши лозим. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат: ўргатувчи (текшириш вақтида ўқитиш); назорат-таҳлил (диагностик); мотивацион-рағбатлантирувчи; ривожлантирувчи; ташкилий-бошқариш; тузатувчи. Мониторинг тизимида ўқувчиларни назорат қилиш усуллари қуйидагилар: оғзаки назорат; ёзма назорат; график назорат; тест назорати; ўйинли назорат; ўз-ўзини назорат (рефлексия). Холислик талаби тўғри жавобни нотўғрисида ажрата олишни тақозо этадики, бунга жавобни турлича талқин қилиш имкониятини истисно этувчи аниқ савол орқали эришиш мумкин. Назоратни тўғри ташкил этиш талаби ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир ўқувчининг билими сифатини таҳлил қилишга индивидуал ёндашиш зарурлиги талаби бошқа ўқувчилардан тайёр жавобнинг ўзлаштирилишига, шунингдек мустақил иш вазифаларини жамоа бўлиб бажарилишига йўл қўймаслик имконини беради. Бунга вазифаларнинг хилма-хиллиги ҳамда шахсга йўналтирилганлик тамоийли орқали эришилади. Тадқиқотимиз бўйича ўйинли ва ўз-ўзини назорат (рефлексия) янгилик сифатида тадбиқ этилди.

Умумқасбий фанлардан мустақил ишларни ташкил қилишда педагогик технология элементи сифатида турли ўйинлардан фойдаланилди ва таҳлил қилинди. Ўйинли назоратда вазиятли, ролли, лойиҳаловчи, ўйинли муболаға, имитацион ўйин, ўйинли моделлаштириш, компьютер ёрдамида ташкил этиладиган ўқув ва ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланилди. Бу ўйинлар мустақил ишларни ташкил этиш ва уларнинг назоратини олиб боришда катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини назорат қилиш шаклларида бири тест топшириқлари воситасида тест синовидан ўтказиш ҳисобланади. Ўқув жараёнида тест синовидан фойдаланиш ўқитишнинг сифатини оширади, ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолашда субъектив ёндашишни инкор қилади, бу эса пировардида назорат-текширувлари серияси натижалари бўйича ишончли рейтингни шакллантиради.

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги омилларга катта эътибор қаратилди: илмий-тадқиқотчилик фаолияти; ўқувчиларнинг ўқув амалиёти; назарий-таълимий жараённинг таркибий қисмлари; ўқувчиларнинг мустақил ишини назорат қилиш; рағбатлантириш; педагог шахси; ўқитувчининг шахсий сифатлари; услубий жиҳатдан таъминланганлиги; санитария-гигиеник шарт-шароитлар; таълим бериш жараёнининг ташкил этилиши.

Мазкур омиллар етакчи дидакт олимларнинг ўқувчилар мустақил ишини ташкил этиш муаммоси бўйича назарий қарашларини таҳлил қилиш, диссертант томонидан ишлаб чиқилган. Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг умумкасбий фанлардан мустақил ишини ўқув ишбилармонлик ўйини асосида ташкил этиш усулини амалий қўллаш шунингдек, ўрганилаётган муаммо бўйича ўтказилган анкета сўрови натижаларини таҳлил этиш натижасида аниқланди. Юқорида санаб ўтилган омиллар ўқувчилар мустақил ишининг таркибий қисмини ташкил этади. Булар эса мустақил ишни ташкил этиш жараёнини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига янада аниқ тузатишлар киритиш имконини беради. Мустақил иш ўқувчиларнинг билим олиш борасидаги фаоллигини, ижодий жиҳатдан ўзини-ўзи сафарбар этишини, ўз жамоасига раҳбарлик қилиш қобилиятини рағбатлантириш воситаларидан биридир.

Диссертациянинг **“Касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини баҳолашда рейтинг тизими асосида ташкил этишда тажриба-синов дида сўровнома ўтказиш, ўқувчилар мустақил илаш шини аниқлаш мақшларининг натижалари”** деб номланган учинчи бобида ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш амалиётини ташхислаш, баҳолаш; умумкасбий фанлар бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш ҳолати; билим даражалари ва уларга математик-статистик ишлов натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ўтказиш давомида биз қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги усуллардан фойдаландик: ўқувчиларнинг касб-хунар коллежидаги мавжуд мустақил иш тизимига муносабатини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказиш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини баҳолашда рейтинг тизимидан фойдаланиш муносабатларини аниқлаш; рейтинг тизими афзалликлари ва камчиликлари, ўқувчиларнинг мустақил ишининг ўрнини аниқлаш; ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабатларининг мақбул тизимини ишлаб чиқиш мақсадида ўқувчиларнинг фаолиятини кузатиш; ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини рағбатлантирувчи мустақил иш турларини аниқлаш учун уларнинг ўқув фаолияти маҳсулини ўрганиш.

Тажриба-синов ишларининг мақсади касб-хунар таълими тизимида умумкасбий фанлардан мустақил ишларни ташкил этиш, уларни мустақил таълим олишга ундовчи омилларни ривожлантириш имконини берувчи педагогик шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш даражасини

аниқлашдан иборат бўлди.

Тажриба-синов ишлари 2007-2011 йилларда бешта касб-хунар коллежида тажриба-синов ва назорат гуруҳларида ўтказилди (жами 207 та ўқувчи танлаб олинди). Тажриба-синов ишлари ташхис ва башорат қилиш, ташкилий тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичларда амалга оширилди.

Тажриба-синов ишининг ташхис ва башорат қилиш босқичи (2007-2008 йиллар)да касб-хунар коллежларида тадқиқот муаммосига доир педагогик, методик адабиётлар мазмуни ўрганилиб, таҳлил этилди. Тадқиқот объекти, предмети, илмий фаразларига мос вазифалар, тажриба синов майдонлари белгиланиб, дастури ва режаси ишлаб чиқилди. Педагогик технологиялар асосида умумкасбий фанлардан мустақил иш вазифаларининг назоратлари кузатилиб, ўқувчиларнинг билимларини эгалланганлик даражаси суҳбат, сўровнома, савол-жавоб ва тест топшириқлари синовлари орқали текширилди.

Тажриба-синов ишининг ташкилий тайёргарлик босқичи (2008-2009 йиллар)да тажриба синов иштирокчилари таркиби аниқланиб, вазифалар шакллантирилди, натижаларни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари белгиланди, мустақил ишнинг қулай ва самарали метод, шакл ва воситалари аниқланди.

Тажриба синов ишининг амалий босқичи (2009-2010 йиллар)да педагогик технологиялардан фойдаланиб, умумкасбий фанлардан мустақил ишларнинг тўла баён қилинган режа ва матнлари тузилди, ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилди, дидактик материаллар ва кўрсатмалар тайёрланди.

Педагогик тажриба синов ишларининг умумлаштирувчи босқичи (2010-2011 йиллар)да олинган натижалар солиштирилиб, умумлаштирилди, натижа ва хулосалар диссертация шаклида расмийлаштирилди.

1-жадвал


Тажриба-синов ишларида иштирок этган ўқувчиларнинг тажриба бошида
“Меҳнат муҳофазаси” фани бўйича билим даражаси

Гуруҳлар тури	Ўқувчилар Сони	Баҳолар			
		2	3	4	5
Тажриба- синов гуруҳи	104	9 (8,6)	58 (55,8)	26 (25)	11 (10,6)
Назорат гуруҳи	103	8 (7,8)	62 (60,1)	25 (24,3)	8(7,8)


Тажриба-синов ишларида иштирок этган ўқувчиларнинг тажриба охирида
“Меҳнат муҳофазаси” фани бўйича билим даражаси

Гуруҳлар тури	Ўқувчилар сони	Баҳолар			
		2	3	4	5
Тажриба- синов гуруҳи	104	0 (0)	42 (40,4)	38 (36,5)	24 (23,1)
Назорат гуруҳи	103	2 (1,9)	54 (52,4)	36 (35)	11(10,7)

Ушбу жадвалларда келтирилган маълумотларнинг график тасвирларини қуйидаги диаграммалар кўринишида ифодалаймиз (2-3-расмлар).



2-расм. Тажриба бошида “Меҳнат муҳофазаси” фани бўйича ўқувчиларнинг билим даражаси



3-расм. Тажриба охирида “Меҳнат муҳофазаси” фани бўйича ўқувчиларнинг билим даражаси

Тажриба-синов ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг “Меҳнат муҳофазаси” фани бўйича тажриба бошида ва тажриба охиридаги ўзлаштириш кўрсаткичлари натижаларини ўзаро солиштириш мақсадида олинган маълумотларни Стюдент Фишер методи ёрдамида таҳлил қилинди. Жадвалдан кўришиб турибдики, тажриба-синов гуруҳида “Меҳнат муҳофазаси” фани бўйича ўқитиш самарадорлиги 1,13 барабар ортган. Бу эса ўз навбатида, тадқиқотимиз бошида илгари сурилган касб-ҳунар коллежларида умумкасбий фанларни ўқитишнинг муваффақияти ўқувчилар мустақил ишини педагогик технологиялар асосида ташкил этилишига, унинг шахсга йўналтирилганлигига, ўқув жараёнига замонавий таълим технологиялари (бизнинг тадқиқотимизда назорат қилишнинг рейтингли тизими) жорий этилишига боғлиқ деган фаразнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Тажриба-синов ва назорат гуруҳларида олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили жадвалда келтириб ўтилган.

3-жадвал

Тажриба-синов ва назорат гуруҳларидаги натижалари математик статистик ишловининг қиёсий таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Тажриба-синов гуруҳи		Назорат гуруҳи	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1.	Ўртача арифметик қиймат ($\bar{x}, \bar{y}$)	3,37	3,82	3,34	3,54
2.	Самарадорлик кўрсаткичи (η)	1,13		1,05	
3.	Ўртача қиймат ишонч оралиғи ($a_x \in a_y \in$)	[3,22 ; 3,52]	[3,67 ; 4,97]	[3,19 ; 3,48]	[3,39 ; 3,69]
4.	Ўртача қиймат стандарт хатолик (S_x, S_y)	0,78	0,77	0,74	0,76
5.	Аниқланиш кўрсаткичи (C_x, C_y)	2,28%	1,99%	2,19%	2,11%
6.	Стъюдент статистикаси (Т)	3.90		1,90	
7.	Кўрсаткичлар хулосаси	H_1 гипотеза қабул қилинади.		H_0 гипотеза қабул қилинади.	

Олинган натижалар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, касб-ҳунар коллежларида умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида мустақил ишларни ташкил этишда баҳолашнинг рейтинг тизимидан фойдаланиш, ташкил этиш анъанавий ўқитиш тизимига нисбатан анча юқори натижаларни олишга имкон беришини таъкидлаш мумкин.

Мутахассис ишининг натижаси унинг мустақил ишлаш кўникмаси ва қобилиятига бевосита боғлиқ. Шунинг учун касб-ҳунар коллежида бўлажак мутахассисларнинг мустақил ишини ташкил этишга, шахсий ва касбий ривожланишига катта эътибор қаратилиш лозим.

ХУЛОСА

1. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш муаммолари ўрганилиб таҳлил қилинди. Умумкасбий фанларга қўйилган талаблар асосида ташкил этилган мустақил ишнинг педагогик технологияларга асосланган мазмуни, шакли, ва усуллари аниқланди.

2. Умумкасбий фанлар бўйича мустақил ишнинг ўқувчи шахсига, йўналтирилган модели ишлаб чиқилди ва таълим муассасаларида мустақил ишлар ана шу модел асосида ташкил этилди.

3. Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг умумкасбий фанлардан мустақил ишини ташкил этиш ва баҳолашда рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи рейтинг тизими жорий қилинди.

4. Ўқувчиларнинг умумкасбий фанлардан мустақил ишини ташкил этиш амалиётини ташхислаш, баҳолаш ва мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва назорат қилиш мақсадида мониторинг тизими ишлаб чиқилди.

5. Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича методик қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди.

Хулосаларга асосланиб, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тавсиялар берилди:

1. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш учун яхлит бир тизимга солинган йўриқномалар ишлаб чиқиш.

2. Ўқувчилар мустақил ишини ташкил этишда ва баҳолашда рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи рейтинг тизимини кенг жорий этиш.

3. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг мустақил ишларни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш.

4. Таълим муассасаларида мустақил ишларни тизимли равишда ташкил этиш, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришнинг инновацион технологияларини қўллаш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Байбаева М.Х. Ўқувчиларда мустақил таълим олиш малакасини шакллантириш омили // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2005. – № 3. – Б. 27.
2. Байбаева М.Х. Мустақил таълим олиш технологияси ва касбий йўналганлик // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2005. – № 5. – Б. 25.
3. Байбаева М.Х. Таълимда инновацион педагогик технологиялар // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2006. – № 3. – Б. 17-18.
4. Байбаева М.Х. Таълимда ахборот технологиялари // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2006. – №12. – Б. 19.
5. Байбаева М.Х. Касб-хунар коллежларида мустақил таълимни ташкил этишнинг илмий асослари // Таълим менежменти. – Тошкент, 2007. – №5. – Б. 67-70.
6. Байбаева М.Х., Кадирова М. Внедрение современных технологий в процессе обучения ССПУ // Объединенный научный журнал. – Москва, 2007. – № 16. – Б. 67-69.
7. Байбаева М.Х., Собина.Ф. Теоретические основы использования учебно-практических игр при организации самостоятельных работ учащихся профессиональных колледжей // Объединенный научный журнал. – Москва, 2009. – №16. – Б. 15-17.
8. Байбаева М.Х. Касб-таълими жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2010. – № 5. – Б. 4-6.
9. Байбаева М.Х. Малакали кадрлар – юрт таянчи // Жамият ва бошқарув. Тошкент, 2011.– Б. 61-62.
10. Байбаева М.Х. Организация самостоятельных работ учащихся профессиональных колледжей // Вестник Университета Российской академии образования. – Москва, 2010. – №5. – Б. 38-41.
11. Байбаева М.Х. Алишер Навоийнинг “Хайратул Аброр” асарида ахлокий-таълимий ғояларнинг ёшлар тарбиясида ўрни // Республика илмий-назарий анжуман. Тезислар тўплами. – Тошкент, 2006. – Б. 33-38.
12. Байбаева М.Х. Касб-хунар коллежларида ўқитишнинг замонавий технологияларини қўллашнинг илмий-услубий асослари (умумкасбий фанлардан мустақил таълимни ташкил этиш жараёнида) // Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий анжумани: Маърузалар тўплами. – Тошкент, 2007. – Б. 46-47.
13. Байбаева М.Х., Исмоилова.З.К. Касб-хунар коллежларида ўқув-амалий ўйинларидан фойдаланиш // Мақолалар тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 7-9.
14. Байбаева М.Х., Исмоилова З.К. Касб-хунар коллежларида мустақил ишларни бажаришда устоз ва шогирд даражасини шакллантириш // Республика илмий-амалий анжумани: Мақолалар тўплами. – Тошкент, 2010. – Б. 179-180.
15. Байбаева М.Х. Ўрта махсус, касб-хунар таълим жараёнида ўқувчилар мустақил ишни режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш муаммолари

// Республика илмий-амалий анжумани: Мақолалар тўплами. – Тошкент, 2010. – Б. 180-186.

16. Байбаева М.Х. Касб-ҳунар коллежларида мустақил ишларни омилкор ўйинларга ёндошган ҳолда олиб бориш ва уларнинг замонавий таснифи // Республика илмий-амалий анжумани: Мақолалар тўплами. – Тошкент, 2010. – Б. 179-180.

17. Байбаева М.Х., Исмоилова.З.К., Файзуллаев Р.Х. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий кўрсатма. – Тошкент, 2005. – 22 Б..

18. Байбаева М.Х., Исмоилова.З.К. Умумкасбий фанлардан “Мустақил иш” ни ташкил этиш.Услубий қўлланма. – Тошкент, 2007. – 25 б.

19. Байбаева М.Х., Исмоилова.З.К. Касб-ҳунар коллежларида мустақил ишларни самарадорлигини ошириш бўйича услубий қўлланма. (умумкасбий фанлар мисолида). Услубий қўлланма. –Тошкент, 2010. – 26 б.

20. Байбаева М.Х., Ҳимматалиев.Д.О. Ўқувчилар мустақил ишларини баҳолашнинг рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи рейтинг тизими асосида ташкил этиш. Услубий қўлланма. – Тошкент, 2011. – 26 б.

21. Байбаева М.Х. Мустақил ишларни ташкил этиш ва баҳолашда рейтинг тизимини тадбиқ қилишнинг педагогик таснифи // Республика илмий-амалий анжумани: Маъруза тезислар тўплами. – Тошкент, 2012. – Б. 187-189.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Байбаева Мухайё Худайбергеновнинг 13.00.08 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича “Педагогик технологиялар асосида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг умумкасбий фанлардан мустақил ишларини ташкил этиш” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: мустақил иш, мустақил билим олиш, мустақил ўрганишга ундаш, мониторинг, индивидуал ривожланиш кўрсаткичи, рейтинг тизими, баҳолаш.

Тадқиқот объектлари: касб-хунар коллежларида умумкасбий фанлар бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш жараёни.

Ишнинг мақсади: касб-хунар коллежларида умумкасбий фанлардан ўқувчиларнинг мустақил ишларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: тадқиқот муаммосига илмий-назарий, педагогик-психологик, методик адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш, имитацион моделлаштириш; кузатиш; қиёслаш; умумлаштириш; суҳбат, сўровнома, тест саволлари ва ўзлаштиришни назорат қилишнинг рейтинг тизими, педагогик тажриба натижаларини математик-статистик қайта ишлаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: касб-хунар коллежларида умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида мустақил ишларни ташкил қилишнинг педагогик технологияларга асосланган шакллари, турлари ва воситалари аниқланганлиги, умумкасбий фанлардан олиб бориладиган мустақил ишнинг модели ишлаб чиқилганлиги ва модел асосида ишлар ташкил қилинганлиги, касб-хунар коллежларида ўқувчилар умумкасбий фанлардан мустақил ишини ташкил этиш ва бошқаришни рейтинг тизими асосида амалга ошириш методикаси ишлаб чиқилганлиги; касб-хунар коллежларида мустақил ишларнинг рейтинг тизими мониторинги яратилганлиги.

Амалий аҳамияти: касб-хунар коллежларида умумкасбий фанлар бўйича мустақил таълим жараёнига педагогик технологияларни қўллашнинг услубий асослари ишлаб чиқилди. Олинган амалий натижалардан касб-хунар коллежларида мустақил ишларни ташкил этиш ва ўқув дастурлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари касб-хунар коллежлари битирувчиларида мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини самарали шакллантиришни таъминлайди ишлаб чиқилган услубий тавсиялар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жорий этилди.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқув-тарбия жараёни.

РЕЗЮМЕ

диссертации Байбаевой Мухайё Худайбергеновны на тему «Организация самостоятельной работы учащихся профессиональных колледжей по общепрофессиональным дисциплинам на основе педагогических технологий» на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности: **13.00.08-Теория и методика профессионального образования**

Ключевые слова: самостоятельная работа, самостоятельное получение знаний, побуждение к самостоятельному изучению, мониторинг, показатель индивидуального развития, рейтинговая система, оценка.

Объект исследования: процесс организации самостоятельной работы учащихся профессиональных колледжей по общепрофессиональным дисциплинам на основе педагогических технологий

Цель исследования: разработка эффективных форм, методов и средств организации самостоятельной работы учащихся профессиональных колледжей по общепрофессиональным дисциплинам на основе педагогических технологий.

Методы исследования: изучение и анализ научной, психолого-педагогической и методической литературы по теме исследования; имитационное моделирование; наблюдение, сравнение, беседа, анкетирование, тестирование, математико-статистическая обработка результатов педагогического эксперимента.

Полученные результаты и их новизна: определены формы, виды и средства организации самостоятельной работы в процессе преподавания общепрофессиональных дисциплин в профессиональных колледжах, основанных на педагогических технологиях; разработана модель самостоятельной работы направленная на личность учащихся; разработана методика организации и выполнения в профессиональных колледжах самостоятельной работы по общепрофессиональным дисциплинам; создана рейтинговая система мониторинга самостоятельной работы в профессиональных колледжах.

Практическая значимость: разработаны методические основы применения педагогических технологий в процессе самостоятельного обучения общепрофессиональным дисциплинам в профессиональных колледжах. Полученные практические результаты могут быть использованы в профессиональных колледжах при организации самостоятельной работы и учебного программирования.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования обеспечивают эффективность формирования навыков и умений самостоятельной работы выпускников профессиональных колледжей, разработанные методические рекомендации внедрены в средних специальных профессиональных образовательных учреждениях.

Область применения: учебно-воспитательный процесс средних специальных профессиональных образовательных учреждений.

RESUME

Thesis Baybaeva Muhayo Hudayberganovna on "The independent work of students in vocational colleges on general subjects on the basis of educational technology" for the degree of candidate of pedagogical sciences, specialty: 13.00.08 - Theory and methodic of vocational education

Key words: independent work, independent acquisition of knowledge, motivation to self-study, monitoring and display of individual development, rating system, valuation.

Subjects of research: the process of organizing independent work of students in vocational colleges on general subjects on the basis of educational technology.

Purpose of work: development of effective forms, methods and means of organizing independent work of students in vocational colleges on general subjects on the basis of educational technology.

Methods of research: the study and analysis of scientific, psychological, educational and methodological literature on research, simulation, observation, comparison, and discussion, questioning, testing, mathematical and statistical processing of the results of pedagogical experiment.

The results obtained and their novelty: defined forms, types and means of organizing independent work in the teaching of general subjects at vocational colleges, based on pedagogical techniques, the model of independent work, aimed at individual students and individual work is organized on the basis of this model, the technique of organization and performance in professional colleges, independent work on general subjects, created an independent rating system for monitoring work in professional colleges.

Practical value: the methodical basis for the use of educational technology in the process of self-study general professional disciplines in professional colleges. Practical results can be used in professional colleges in the organization of independent work and educational programming.

Degree of embed and economic effectivity: results of the study provide the efficiency of formation of the skills of independent work of graduates of professional colleges, developed guidelines in place in secondary special vocational educational institutions.

Field of application: the educational process of secondary specialized vocational education institutions.

